

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**«Тошкент вилояти телерадиоканали» ДМ**  
**директори в.в.б**



**О.Бегалиев**

**18 март 2025 йил**

**«Тошкент вилояти телерадиоканали» давлат муассасаси ходимлари  
иштирокида ўтказилган Умумий йиғилиш баёни**

Тошкент шаҳри

**№ 9**

2025 йил 18 март

**Раислик қилувчи:** О.Бегалиев — «Тошкент вилояти  
телерадиоканали» ДМ директори в.в.б.

**Қатнашувчилар:** Тошкент вилояти ҳокимлиги Коррупцияга  
қарши ички назорат шўъбаси раҳбари  
М.Юсубов ва ТРК ходимлари

**Кун тартиби:**

**Жорий йилнинг 5 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат Мирзиёев Коррупцияга қарши курашиш миллий  
кенгаши йиғилишида юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш  
бўйича берган топшириқлари юзасидан мулоқот**

Йиғилиш раиси О.Бегалиев Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қарор ва Фармонлари ҳамда ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини  
юксалтириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатларни шакллантириш,  
давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга  
доир чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда коррупцияга оид  
ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг  
оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф  
этиш борасида чоралар хусусида фикр-мулоҳазалар билдириб, огоҳлантириш  
бериб ўтди. Ижодий жамоага жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликка қарши  
хусусан, коррупцияга йўл қўймаслик, таъмагирлик, порахўрлик каби  
иллатларга қарши курашиш ва мавзу юзасидан лавҳа ҳамда кўрсатувлар  
тайёрлаш, шунингдек, ҳар биримиз ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз лозимлиги,  
лоқайдлик барча иллатларнинг сабабчиси эканлиги ҳақида иштирокчиларга  
тушунчалар берилди.

Шундан сўнг Тошкент вилояти ҳокимлиги Коррупцияга қарши ички  
назорат шўъбаси раҳбари М.Юсубов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида  
коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини  
такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш



чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сонли (вилоят ҳокимининг 2022 йил 16 майдаги 291-10-0-Қ/22-сонли ва 15 сентябрдаги 511-10-0-Қ/22-сонли) қарори ижроси юзасидан коррупциявий хавф-хатар даражаси юқори бўлган ҳисобчи (бухгалтер)ларнинг функциялари билан боғлиқ фаолиятининг хавф-хатарини пасайтириш, коррупция ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш ва амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши тўғрисида маъруза қилди ва булардан ташқари давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими қуйидагиларга мажбурлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтди:

ўз лавозим мажбуриятларини ёки хизмат ваколатларини виждонан бажариши ва уларнинг бажарилишига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ўз шахсий манфаатлари билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши;

лавозим мажбуриятларини ёки хизмат ваколатларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги;

мавжуд манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, ўз иш юритувидаги ҳужжатлар бўйича қарор қабул қилингунига қадар ўзининг бевосита раҳбарини (ташкилот раҳбари - юқори турувчи раҳбарни) ёки махсус бўлинмани хабардор қилиши;

ўзининг бевосита бўйсунувидаги ходимларни ёки бошқа ходимларни бевосита ёки билвосита ўзининг шахсий манфаатларини кўзловчи ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) мажбурламаслиги;

ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органи ёки бошқа ташкилот назорати остидаги ташкилотдан ёки унинг таркибий бўлинмасидан ишга қабул қилиш тўғрисида таклифлар келиб тушганлиги ҳолати ҳақида бир иш куни ичида хабар бериши;

бошқа ходимларга нисбатан ўзига маълум бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳоллари тўғрисида хабар бериши;

хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш орқали шахсий наф олишга.

Йиғилиш сўнгида бош муҳаррир С.Ғуломов, муҳаррир Г.Отажонова ва бошқа ходимлар ўз саволлари билан қатнашиб, барчага керакли маълумотларга эга бўлишди ва бундай мулоқотлар давомий бўлиши жамоада намунавий муҳит шаклланишига яна бир омил бўлиши ҳақида тўхталиб ўтилди.

Баён тузувчи



Н.Норматова